

Апелляция инстанцияси суди ажримининг тавсиф қисмидаги фикри ушбу ажрим қарор қисмидаги хулосасига зидлиги суд қарори бекор қилинишига асос бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 27 апрелдаги ажримига асосан, жиноят ишининг С.ни Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми «и» банди, 164-моддаси 2-қисми «а» банди ва 164-моддаси 3-қисми «г» банди, 164-моддаси 4-қисми «а» банди билан айблаш қисми қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун қайтарилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 15 июндаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг ажримига қараганда, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанцияси судининг С.га оид жиноят ишининг бир қисмини қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги ажрими устидан билдирилган прокурор протестининг кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарган ажримининг баёнот-асослантириш қисмида протест асосли эканлиги, биринчи инстанция судининг ажримида кўрсатилган ҳолатлар, камчиликларни суд мажлисида тўлдириш мумкинлиги ҳақида хулосага келган бир вазиятда ушбу ажримнинг қарор қисмида эса прокурор протестини қаноатлантирмай биринчи инстанция судининг С.га нисбатан чиқарган ажримини ўзгаришсиз қолдиришни кўрсатган.

Бу билан апелляция инстанцияси суди ўзи томонидан қабул қилинган ажримда бири иккинчисига қарама-қарши бўлган хулосаларга келган ва иш бўйича бу хулосаларнинг қайси бири асосли эканлиги ноаниқ бўлиб қолган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

ЖСҲ-211-07 сонли ажрим